

...Катагон йилларидан кейинги воқеалар хақида тўхталамиз. Демак, 37-йиллар ҳам ортда колди. Кимдир отилди, кимдир сўнгсиз нохакликларга чидолмай юраги эзилиб ўлди...

Бу орада мамлакатга фашистлар бостириб кирди-ю, Сталин киргинлари бироз сусайгандек бўлди. Балки камокхоналардаги ҳолатлар ўша-ўша бўлгандир, лекин ташқаридан туриб бу ҳақда билиб бўлмасди. Ўта огир шароитда марказнинг бунақа ишлар билан «шугулланишга» вақти ҳам бўлмаган эди. Хамма мамлакат химояси хақида бош котирарди...

Нихоят, тўрт йил давом этган уруш бизнинг галабамиз билан тугагач, энди халқ ўз мукофотини олади, галаба шарафига одамларга енгилликлар берилади, ҳаёт осонлашади деган умид бор эди.

Йўқ, ундай бўлиб чикмади. 50-йилларга келиб Сталин янги «хунарларини» бошлаб юборди. Унинг урушдан кейинги илк гурзилари Шухрат, Максуд Шайхзода, Саид Ахмад, Мирзакалон Исмоилий, Хамид Сулаймон каби намояндаларимиз бошига тушди.

Мархум адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг эсдаликларидан:

1940/50-йиллар...

«Ўша шароитларда ҳам Абдулла Кодирий ва Чўлпон асарларини яшириб ўқиган одамлар бўлган. Шахсан, мен ҳам «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», «Кеча ва Кундуз»ни уруш йилларида – мактабда ўқиб юрган кезларда ўқиган эдим. Бир ўзим эмас, бутун синф ўқиган эдик. Ўшанда бу китобларни қаердан топганимизни ханузгача эслолмайман. Фақат шуниси эсимдаки, ҳар қайси китоб бир болага жуда хуфя тарзда ва бир кечага бериларди. Эрталабгача ўқиб тугатиб, қайтариб бериш керак эди. Шуниси кизикки, ҳаммамиз шунга улгурардик. Кечкурун ўқишни бошлагандан кейин туни билан аллақанча нашъали хисларни ва изтиробларни кечириб, тонг сахарлаб сўнгги саҳифани ёпардик. Биз, албатта, Кодирийнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам «миллатчи» эканини эшитгандик, уларнинг «захарли гоёлари»га берилмаслик кераклигини ҳам билардик. Аммо мурғак онгимиз билан бу «захарли гоёлар» нимада эканини англаёлмас эдик. Романларни ўқий бошлаш билан уларнинг сеҳрига маст бўлиб, муаллифларнинг «миллатчилиги»ни унутиб қўярдик. Шу тарзда юракда уларнинг асарларидан олинган илик ва ёркин таассуротлар билан, онгда эса «улар душман, ватан хоини» деган ақида билан 1956 йилгача яшадик».

1950/60-йиллар...

«1953 йилнинг март ойида Сталин вафот этди. Ўша йили март ойи бошидан охиригача мотам ойи бўлди. Бутун халк – миллати, ёши ва жинсидан катъий назар «буюк йўлбошчи» учун аза тутди. Хар корхонада, хар хонадонда, майдонларда, кўчаларда йиги-сиги! Лекин орадан кўп муддат ўтмай, холат умуман тескари томонга ўзгаради, дея камдан-кам одам тахмин киларди. Партиянинг XX съездида Никита Хрушчев жуда катта жасорат билан Сталин хақидаги хакикатни тўкиб солди, унинг шафкатсизлигини, мустабид бўлганини, миллионлаб одамларнинг ёстигини курутганини очик айтди. Ўшанда чиндан хам куёш чакнаб турган осмонда момокалдирок гумбурлагандек бўлганди. Бу гапдан неча минглаб одамлар эсанкираб колди, довдираб колди. Чунки улар йиллаб «сигиниб» келган идеалларидан махрум бўлгандилар...»

* * *

Сталин вафотидан сўнг деярли барча катагон курбонлари окланди. Бу хакда уларнинг оилаларига хабар килинди. Матбуотда кенг маколалар берилди. Не ажабки, уларнинг орасида тирик колган, неча йиллаб умрини камокхоналарда ўтказган кам сонли миллатдошларимиз хам бор эди. Улар ўз уйларига кайтиб кела бошлашди. Ўша пайтдаги партия рахбари Нуриддин Мухиддинов ўзбек зиёлилари курултойида Абдулла Кодирий окланганлиги хақида хабар берганида, бутун зал буни тик туриб карсаклар билан карши олган.

* * *

Озод Шарафиддинов айна шу курултой ва кейинги воқеалар хақида тўхталади:
«Ўша курултой залида Абдулла Кодирий хаётлик даврида уни кўрган, у билан шахсан мулокотда бўлган одамлар анча-мунча эди. Кўплар ўшанда ошкора йиглаган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, бошка курбонлар хам окланди. Ёзувчилар уюшмаси хайрон коладиган даражада чакконлик билан катагон килинганлар меросини ўрганувчи комиссия тузди. Комиссия раиси Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Бахром Рахмонов, аъзолари Уй-гун, Мирзакалон Исмоилий, Гулом Каримов ва мен эдим. Албатта, мен «Катагон курбонлари ижоди энди объектив ўрганилади, холис бахоланади, уларнинг гоёвий кемтиклари, миллатчилиги аникланади-ю, ижодининг соғлом қисми халқ-ка кайта такдим этилади», деган ўйлар билан мерос комиссияга кирганимга хурсанд бўлдим. Лекин ахвол хадеганда мен кутганчалик бўлавермади – комиссия негадир иш бошлашга ошиқмади. Ке-йин Бахром Рахмонов дун-ёдан ўтиб колди-ю, иш яна чўзилиб кетди. Шундан кейин мен ёзувчилар уюшмасига бир-икки

мурожаат килдим. Афсуски, у ерда менга кўп хам ошикавермасликни «маслахат» беришди».

* * *

Айнан ўша йиллар хусусида Озод Шарафиддинов бошка бир эсдалигида шундай ёзади: «Сталиннинг кораланишини хушнудлик билан кутиб олганлар ростдан хам жуда кўпчилик эди. Айникса, зиёлилар, ёзувчиларнинг катта гуруҳи хаётга янгича умидбахш нигоҳ билан карай бошладилар. Кейинги уч-тўрт йил ичида чиндан хам адабиётда эркин рух билан ёзилган асарлар пайдо бўлди. Адиблар ва шоирлар, адабиётшунослар ва танкидчилар совет хокимияти хумронлик килган йилларда тоғ-тоғ бўлиб уюлиб колган иллатларни борган сари ўткиррок тарзда фош кила бошладилар. Лекин адабиёт бу масалаларда чуқурлашган сари бир катор кизик саволлар кўндаланг бўла бошлади: шу пайтгача макталиб келган социалистик жамиятда бу қадар конунсизликларга йўл кўйилган экан, миллионлаб одамлар мутлако гунохсиз бўла туриб, хибсга олинган, бадарга килинган, отилган экан, биз курган жамият чиндан хам «ёвузлик салтанати» экан-да? Кўраяпсизки, кавлаган сари масала чуқурлашиб, энг нозик сирлар хам очилиб коладиганга ўхшайди. Шундок бўлгач, дархол чора кўриш керак.

Шундай килиб, илик шабадаларнинг йўли яна тўсилди, жиндай янги хаво кириб турган тешиклар хам ёпилди».

* * *

Шундай бўлса-да, Озод Шарафиддиновга ўхшаган кам сонли фаоллар ўзбекнинг асл фарзандларини халкка кайта танитиш йўлидан тоймадилар. Жумладан, у 1967 йилда матбуотда «Йиллар ва йўллар» маколасини чоп эттиришга муваффақ бўлди. Кейин «Тирик сатрлар» китоби нашрдан чиқди. Унда Чўлпоннинг 3-4 та шеъри ўрин олиши ўша давр учун чинакамига жасорат эди. Айнан шуларнинг натижасида, энди Озод Шарафиддиновнинг ўзига тош отишлар авж олганди. Уни совет адабиётининг асосига, гоаявийлигига, партиявийлигига болта ураётган ишончсиз одам сифатида танкид килишга тушишди. Чўлпонни таргиб килаётган одам, миллатчиликка майли бор кимса сифатида «кора рўйхатлар»га кадалди.

* * *

80-йиллар

Нихоят, собик иттифокнинг сўнги йиллари – кайта куриш деб номланган кизик давр хам етиб келди. Мамлакатда «ошкоралик», «демократия» деган янги сўзларни кўча-кўйларда деярли хар куни эшитиш мумкин эди. Матбуотда социализмни, хукмрон партияни, хатто Ленинни хам танкид килувчи маколалар пайдо бўлди.

«80-йилларнинг бошларида рус тилида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» деган беш жилдлик китоб нашр этиладиган бўлди. Китобни Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тайёрлаган ва унга москвалик адабиётшунос Кедрина мухаррирлик килган эди. Китоб тайёр бўлди-ю, барибир, уни нашрга топширишнинг иложи бўлмади. Негаки, бир катор масалалар хал килинмаган эди. Китобда жадид адабиёти, миллатчилик адабиёти, айрим ёзувчиларнинг адабиётдаги ўрни каби масалаларга замон рухидан келиб чикиб, янгича баҳо бермок лозим эди. Буни хеч ким ўзича хал килолмасди, совет замонида карор топган анъанага кўра, бу масалани факат партия хал килиб бериши мумкин эди. Натижада олимлар Марказкўмга мурожаат килишди. Нихоят, 1987 йилнинг 7 февраль куни Марказкўм котибаси Раъно Абдуллаева 32 кишини хузурига чакирди. Ёзувчилардан Комил Яшин, Эркин Вохидовлар, адабиётшунослардан Иззат Султон, Сарвар Азимов, Матёкуб Кўшонов, Лазиз Каюмов ва бошқалар таклиф килинган эди.

Раъно Абдуллаева мажлисни очар экан, адабиётшунослар олдида турган долзарб вазифаларни тушунтирди: «Адабиётшунослик илми хаёт талабларидан ортда қолаяпти, ўзбек совет адабиётининг янги тарихини яратиш керак, бу тарих изчил синфий нуктаи назардан ёритилиши керак, унинг хар сахифасидан чукур партиявийлик рухи уфуриб турмоги керак. Олимлар, биринчи нав-батда, ўзбек адабиёти ривожидида Ленин таълимотининг хаётбахш таъсирини очиб бермоги даркор ва хоказо» деган маънода.

Бугун бу талабларнинг бари кулгили кўринар, бирок ўшанда залда ўтирганларнинг хаммаси бу кўрсатмаларни, гарчи улар гоятда мавхум ва умумий бўлса-да, жонажон партиямизнинг адабиётга кўрсатган навбатдаги гамхўрлиги тарзида қабул килиб, мум тишлаб эшитиб ўтиришди. Бирок умумий шиорлар билан чекланадиган замон эмас эди – конкрет масалаларга конкрет жавоб керак эди. Шундай килиб, мажлисда «Чўлпон ва Фитрат ижодига кандай караш керак, хамон уларни советларнинг душмани деб хисоблашда давом этамизми ёки асарларига холисона баҳо бериб, уларни адабиёт сафига кайтарамизми?» деган масала кўндаланг бўлди. Сўзга чикканларнинг кўпчилиги уларнинг асарларини босиб чикариш зарурлигини, ўзларини эса адабиёт сафига кайтариш кераклигини ишончли далиллар билан исбот килишди. Факат Юсуф Султонов, Хафиз Абдусаматов ва Комил Яшингина уларнинг асарларини босиб чикариб бўлмаслигини, бундай килсак, гоаявий душманларимиз тегирмонига сув кўйишимизни, бу аксилпартиявий иш бўлишини айтдилар. Буларнинг ичида, айникса, Комил Яшиннинг гаплари мени таажжубга солди. Чунки Комил Яшин билан бу масалада илгарилари хам бир-икки сухбатлашган эдим. Яшин, айникса, Чўлпон ижодини жуда чукур билар эди. У Чўлпон шеърларининг кўпини ёд билар ва фикрини далиллаш учун уларни бемалол келтираверарди. Унинг 60-йилларнинг бошидаги сухбатда Чўлпон шеърларини босиш масаласига ўта эхтиёткорлик билан караганини тушуниш мумкин – хар калай унда замон бошка эди. Лекин, энди-чи? 1987 йилда-чи?

Аввалги замонлар бўлганида, албатта, бу карашлар устун келган бўларди, 1987 йили йилда хатто Марказкўм котиби хам кўпчилик фикри билан хисоблашишга мажбур бўлиб колган эди. Шундай килиб, ўша кенгашда Чўлпон ва Фитрат асарларини нашр этиш ва ижодларини янгича баҳолаш тўгрисида бир карорга келинди. Лекин уларнинг йирикрок

асарларини нашр эттириш анча вақт–гача ички каршиликларга учраб турди. Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг эълон килиниши ҳам шундай бўлди – роман «Шарк юлдузи» журналида териб кўйилган холда бир неча марта тўхтатиб куйилди ва ниҳоят, юкоридагиларга маъкул келадиган сўзбоши билан босишга рухсат берилди».

Хотима

Республикамиз мустакилликка эришгач, янги таъсис этилган Алишер Навоий номли мукофотнинг Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Чўлпонларга берилиши ҳамма нарсани жой-жойига келтириб кўйди.

Маколани якин ўтмишда бўлиб ўтган бир воқеа билан тугатмокчи эдим. Буни менга газетамиз бош муҳаррири Хайрулло Хамидов айтиб берганди.

Бу 90-йилларнинг ўрталарида Матбуотчилар кўчасидаги газета корпусида бўлиб ўтган бир мажлис хақида эди. Ўша мажлисда биринчи катордан кўпчилик намояндалар катори Комил Яшин ҳам ўрин олган экан. Ўзингизни шулар орасида деб тасаввур килинг, олдинда шоир Муҳаммад Юсуф ўзининг машхур шеърини ўқияпти:

*Алхазар, алхазар, минг бор алхазар,
Ана юришибди, кийганлари зар —
Кодирийни сотиб шоир бўлганлар,
Мехробингдан чиккан чаёнларинг бор!*

У шеърнинг охириги мисрасини ўқиётганда кўрсаткич бармоқларини олд катордаги одамга шундай тўғрилаганки, бу ҳаракатда қандай маъно борлигини залда ўтирган деярли барча одам яққол хис қилган экан. Воқеа шохиди шундай эслайди: «Биз – орқа каторда ўтирган талабалар ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, олдинги каторга назар ташлагандик».

Ха азизлар, ҳамма нарса вақтига келиб ўз ўрнига тушади. Аллоҳ ҳаммамизни бундай шармандалиқдан ўзи асрасин. Тўғри йўлдан адаштирмасин!

БЕХЗОД АХМАДЖОНОВ